



УДК.632.632.7

ҒАЛЛА МАЙДОНЛАРИДА ШИРА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИ ЗАРАРИГА ЧИДАМЛИ БУҒДОЙ НАВЛАРИ

Амиркулов Отабек Сайдуллаевич

Жанубий деҳқончилик илмий-тадқиқот институти

Ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси мудири

қ/х.ф.ф.д., (PhD) катта илмий ходим

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада турли буғдой навларини ўсимликларни ҳимоя қилиш лабораторияси шароитида, ғалла шираси билан зарарлантириб тадқиқотлар ўтказилган. Натижада турли буғдой навлари чидамлилигига баҳо берилган ҳамда нисбатан чидамли навлар аниқланган.

Калит сўзлар; сўрувчи, зарар, зараркунанда, чидамлим, буғдой, чидамсиз, ўртача чидамли, ҳашарот, экин, ғалла, кураш, сифат, самара, нисбатан, ҳосил, етиштириш, маҳаллий, дон, нобуд, тонна, гектар, тадқиқот, такомиллаштириш.

АННОТАЦИЯ

В этой статье исследуются различные сорта пшеницы, загрязненные соком пшеницы в лаборатории защиты растений. В результате была оценена долговечность различных сортов пшеницы и определены относительно устойчивые сорта.

Ключевые слова; сорго, повреждение, вредитель, устойчивое, пшеница, устойчивое, умеренно устойчивое, насекомое, урожай, зерно, борьба, качество, эффективность, относительный, урожайность, выращивание, местное, зерно, семена, тонна, гектар, исследование, улучшение.

ANNOTATION

This article explores various types of wheat contaminated with wheat juice in a plant protection laboratory. As a result, the durability of various wheat varieties was evaluated and relatively stable varieties were determined.

Key words; sorghum, damage, pest, steady, wheat, steady, moderately resistant, insect, crop, grain, struggle, quality, efficiency, relative, productivity, growing, local, grain, seeds, ton, hectare, research, improvement.



Бугунги кунда жаҳонда аҳолининг буғдой донига бўлган талаби 840 млн. тоннани ташкил этади. Дунё бўйича ҳар йили етиштирилаётган бошоқли дон экинлари ҳосилининг 35% нобуд бўлса, уларнинг 14% зарарли ҳашаротларнинг улушига тўғри келади. Ушбу зарар йилига 75млрд. долларни ташкил этади ва бунга қарши ўсимликларни ҳимоя қилиш тадбирлари қўлланилиши ҳисобига йилига 1,5 млрд. долларлик дон ҳосили сақлаб қолинади. Шунингдек, бошоқли дон экинларини етиштиришда асосий сўрувчи зараркундаларга нисбатан чидамли буғдой навлари асосида ушбу зараркундалардан ҳимоя қилиш муаммоси бугунги кунда долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамиздаги асосий майдонларда четдан келтирилган навлар экилаётганлиги боис, янги маҳаллий навларни минтақалар шароитида тўғри жойлаштириш, самарали агротехникаларни яратиш ва такомиллаштириш, суғориладиган шароитда етиштирилаётган ғалланинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш бўйича селекцион ва уруғчилик ишларини олиб бориш ҳамда касаллик ва зараркундаларга нав чидамлилигини кучайтиришдан иборат [2.]. БМТ ҳузуридаги FAO ташкилотининг маълумотларига кўра, дунё мамалакатларида қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлиги зараркундалар ҳашаротлар, касалликлар ва бегона ўтлар таъсиридан 1967 йилда 28% камайган бўлса, 1996 йилга келиб бу йўқотиш жами 36,9% ни, жумладан ғалла экинларида 35% ни ташкил қилади.

Экинларнинг ширалар билан кучли зарарланиши барглар буралиб қолиши, ўсишдан орқада қолиши ва донларнинг тўлиқ етилмаслигига, ўсимликда моддалар алмашувини ўзгариши ва баргларнинг анатомик тузилиши ўзгаришига олиб келади [1; 32-б.]. Биргина яқин Шарқ Марказий Осиё мамлакатлари ғаллазорларида ҳар йили қарийиб 8 млн гектар майдонларга зарарли хасва зараркундаласи ёпирилиб 2 млн гектардан ортиқ майдонда унга кимёвий усулда кураш ўтказилади [3.].

Чидамли навлар қишлоқ хўжалиги экинларини ҳашаротлардан ҳимоя қилувчи асосий восита ҳисобланиб, улар ҳашаротлар сони ва миқдорига ҳам катта таъсир кўрсатади. Чидамли навлар ҳашаротларнинг насл қолдириш хусусиятини ҳам чегаралаб туради [4; 76-б]. Ғалла шираларининг бошоқли дон экинларига келтирадиган зарарининг кўп ёки кам бўлиши шу экинларнинг шираларга нисбатан чидамлилигига ҳам боғлиқ. Оддий ғалла шираси билан шоли экинининг зарарланиши навларнинг чидамлилиги турлича бўлади. [6.].



Ўсимликларнинг зарарли организмга қарши курашиши қобилияти унинг чидамлилиги деб аталади. Россия олими энтомолог И.Д.Шапиронинг таъкидлашича, чидамлилик – бу ўсимликнинг зарарли организмга нисбатан қаршилиқ кўрсатишидир. Чидамлилик жуда мураккаб жараён бўлиб, биринчидан ўсимликда зарарли организм учун ноқулай экологик шароит вужудга келса, иккинчидан зарарли организмда шу ўсимликка нисбатан салбий физиологик реакция вужудга келиб, озикланиш, озикни ҳазм қилиш ва тухум қўйиш борасида ундан узоқлашишга интилади [5].


Юқорида олимларнинг олиб борган тадқиқотларидан келиб чиқиб бошоқли дон экинларида ўсимликнинг ҳужайра шираси билан озикланадиган сўрувчи шира зараркунандаларга нисбатан чидамлилигини аниқлаш бўйича тадқиқотлар 2012-2014 йилларда Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиали лабораторияси шароитида турли буғдой навлари асосида ўтказилди. Буғдой ўсимлигида сўрувчи шира ривожланиши учун ҳаво ҳарорати 20°C дан 22°C гача ҳароратда 30-35 нисбий намлик, 14-16 соатлик фотодавр белгилаб қулай шароит яратилиб турли буғдой навлари нисбатан чидамлилиги аниқланди. Буғдой навларини лаборатория шароитида сўрувчи шира зараркунандаларидан сунъий зарарлантириб навлар чидамлилиги аниқланди. Ўтказилган тадқиқотлардан шу нарса аниқ бўлдики, 14 кундан сўнг ўсимликка қўйилган ширалар турли буғдой ўсимлигини қай даражада зарарланиши нисбатан чидамлилиги ўрганилди.

Тадқиқотларда буғдой навларини ғалла шираларига умумэнтомологик И.Д.Шапиро ва Е.Е.Радченко томонидан 6-балли шкала ёрдамида баҳоланиб нисбатан чидамлилиги аниқланди. Олиб борилган тадқиқотларга кўра, турли буғдой навлари ғалла шира зараркунандалари билан лаборатория шароитида махсус зарарлантирилганда. Юмшоқ буғдойнинг Туркистон навида бир ўсимликда ширалар сони 158 дона, Краснадар-99 навида 160 дона, Бобур навида 160 дона ва қаттиқ буғдойнинг Крупинка навида 158 дона, Истиклол навида 162 донани ташкил этди. Половчанка навида 10 та ўсимликда ўртача ширалар сони 185 дона, Чиллаки навида ширалар сони 187 дона, Уманка навида ширалар сони 187 донани ташкил этиб бу навларда бир ўсимликда шираларнинг сони ўртача кўпайиб ривожланиши кузатилди (1-расм).

Ширалар кўпайиб ривожланиши ҳамда зарар келтириш бўйича юмшоқ буғдойнинг Санзар-6 навида шираларнинг сони 210 дона, Восторг навида ширалар сони 215 дона ва Москвич навида ширалар сони 218 донагача кўп бўлиб, бу навлар зараркунандалар таъсирига чидамсиз эканлиги маълум бўлди.



Ғалла шираларга нисбатан чидамли бўлган Туркистон навига нисбатан Восторг навида бир ўсимликдаги ширалар сони 57 дона, Краснодар-99 навига нисбатан Москвич навида 58 донага кўпайганлиги ва ушбу чидамсиз навларда ширалар яхши кўпайиб ривожланиши аниқланди (1-расм).



1-расм. Турли буғдой навларида кўпайиб ривожланган шираларнинг умумий сони

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, турли буғдой навлари асосида олиб борилган лаборатория тадқиқотларнинг таҳлил натижасига кўра, юмшоқ буғдойнинг Туркистон, Краснодар-99, қаттиқ буғдойнинг Крупинка ҳамда Истиклол навлари бошқа навларга таққосланганда ғалла шира зараркундасига нисбатан чидамли бўлганлиги аниқланди. Ўтказилган тадқиқотлар давомида буғдойнинг сўрувчи зараркундаларга нисбатан чидамли хусусиятларга эга бўлган буғдой навлари селекцияда зараркундаларга чидамли бўлган янги навларни яратишга тавсия этилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Белолипецкий А.В. Гля оранжерейная табачная – *Myzodes persicae* // Ж. Защита растений. – Москва, 1992. – № 10. – С. 32.



2. Холиқов Б. Аграр илм-фандаги ютуқлар ва истиқболдаги вазифалар // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. – Тошкент, 2015. – №9. – Б. 18-19.
3. Sunn pests and their control in the Near East // FAO plant production and protection paper (138). – Rome: FAO, 2006, – P.165.
4. Шералиев А.Ш., Рахимов У.Х. Ўсимликлар иммунитети. –Тошкент, 2007. – Б. 76.
5. Кимсанбоев Х.Х., Йўлдошев А.Й., Зоҳидов М.М., Халилов К.Х., Сиддиқов И.Р., Қосимов Т.А. Ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш. – Тошкент: «Ўқитувчи», 1997. – Б. 11.
6. Мырзин А.С. Обыкновенная злаковая тля на рисе // Ж. Защита растений. – Москва, 1975. – № 6. – С. 17.